

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.04. 2022.Тиб.93.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ФАРҲОД ҚАХРАМОНОВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ИСТИҚБОЛИНИ  
БЕЛГИЛАШДА КЛИНИК- ЛАБОРАТОР МАРКЁРЛАРНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология  
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Ахмедов Фарход Қахрамонович**

Прееклампсияни эрта ташхислаш ва истиқболлини белгилашда клиник лаборатор маркёрларнинг замонавий жиҳатлари ..... 3

**Ахмедов Фарход Қахрамонович**

Современные аспекты клинико-лабораторных маркеров в прогнозировании и ранней диагностике преэклампсии..... 31

**Akhmedov Farhod Qahramonovich**

Modern aspects of clinical and laboratory markers in the prediction and early diagnosis of preeclampsia ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ФАРҲОД ҚАХРАМОНОВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ИСТИҚБОЛИНИ  
БЕЛГИЛАШДА КЛИНИК- ЛАБОРАТОР МАРКЁРЛАРНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология  
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фан доктори(DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4. DSc/Tib 475 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Негматуллаева Мастура Нуруллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Иноятов Амрилло Шодиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нажмутдинова Дилбар Қамариддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мусахаджаева Диля Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Старцева Надежда Михайловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04. 2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шохкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.И. Туксанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда акушерлик соҳаси касалликлари кўпайиб бориши тиббий муаммо билан бир қаторда ижтимоий муаммога ҳам айланиб бормоқда, жумладан, преэклампсия билан асоратланиш ҳолатлари замонавий акушерлик амалиётининг энг мураккаб ва оғир асоратларидан бири ҳисобланиб, унинг оқибатида юзага келадиган оналар ўлими бугунги кунда замонавий акушерликнинг ўрганилиши керак бўлган муҳим омилларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...аҳоли орасида АҚШда преэклампсиянинг учраши 24,8% гача, Европа давлатларида 29,4% гача, Россиянинг турли минтақаларида 5 % дан 30 % гача, Ўзбекистонда 15-25% ни ташкил этмоқда...»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси миллий қўмита маълумотларига кўра преэклампсиядан оналар ўлим кўрсаткичи 22,8% ни ташкил этади<sup>2</sup>. Самарали, патогенетик жиҳатдан асосланган башоратлаш, ташхислаш ва даволаш усуллари, хусусан, «...иммуногенетик, биокимёвий ва гемостаз тизими биомаркёрлари параметрларининг ўзгариши фонида гемодинамик бузилишларнинг хусусиятларини аниқлаш ва преэклампсиянинг эрта ташхислашда, уларнинг аҳамиятини баҳолаш...» қатор олимларнинг ишларида қайд этилган<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда жаҳон миқёсида преэклампсия билан асоратланишни эрта ташхислаш ва даволашни самарали ташкил қилиш юзасидан амалий тиббиёт соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида преэклампсияни ташхислашда генетик, иммунологик, биокимёвий, марказий гемодинамика маркёрларининг роли, оналар ўлимини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида преэклампсия ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида, молекуляр-генетик маркёрларнинг ролини, плацентадаги гемодинамик бузилишларни ва преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлгунгача ташхислашда, уларнинг аҳамиятини аниқлаш; преэклампсия ривожланишида генлар полиморфизмининг тарқалиш фоизини аниқлаш; преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, преэклампсиянинг олдини олиш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш, чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш,

<sup>1</sup>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботлари. 2019 йил.

<sup>2</sup>Оналар ўлими бўйича махфий тадқиқотлар Миллий қўмитаси, 2017.

<sup>3</sup>Cerdeira A.S., O'Sullivan J., Ohuma E.O., et al. Randomized interventional study on prediction of preeclampsia/eclampsia in women with suspected preeclampsia: INSPIRE .Hypertension. 2019; 74: -P.983–990.

шунингдек аҳоли орасида учрайдиган акушерлик ва гинекологик касалликларни эрта ташхислаш, кечишини башорат қилиш, келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...Республика аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадолиги, тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш...»<sup>4</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёлларга тиббий – ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>5</sup> Презкламписия хавфи бор ва презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни ташхислашда иммуногенетик, биокимёвий, марказий гемодинамика ва регионар қон оқимини замонавий жиҳатларини асослашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG), Nephrology Division, University of Brescia, (Италия); Odense University Hospital, University of Southern Denmark, Odense, (Дания); Mercy Hospital for Women, University of Melbourne, Heidelberg Victoria

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони.

<sup>5</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.acog.org](http://www.acog.org)., [www.nih.gov](http://www.nih.gov)., [www.cusbrescia.it](http://www.cusbrescia.it)., [www.sdu.dk](http://www.sdu.dk)., [ki.se/en](http://ki.se/en)., [unimelb.edu.au](http://unimelb.edu.au)., [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu)., [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br)., [ksu.edu.sa/en/](http://ksu.edu.sa/en/)., [www.anouk.org](http://www.anouk.org)., [unideb.hu/en](http://unideb.hu/en)., [www.aichi-u.ac.jp](http://www.aichi-u.ac.jp)., [www.usu.ac.id](http://www.usu.ac.id)., [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in)., [ncagp.ru](http://ncagp.ru)., [zkmu.kz](http://zkmu.kz)., [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by)., [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Австралия); University of Oxford (Англия); Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия), King Saud University (Саудия Арабистони), Attikon University (Греция); University of Debrecen (Венгрия); University Aichi, University Saitama (Япония); Universitas Sumatera Utara (Индонезия), Pushpagiri Medical College (Ҳиндистон); академик В.И. Кулаков номидаги «Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази» (Россия); Марат Оспанов номидаги «Ғарбий Қозоғистон тиббиёт университети» (Қозоғистон); Бухоро Давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда акушерлик амалиётида преэклампсия билан асоратланиш ҳолатларини эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий янгиликлар олинган: акушерликда гипертензив ҳолатлар билан асоратланганда, ҳомиладорликни олиб бориш, даволаш, ташхислаш ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган протоколлар ишлаб чиқилган (ACOG); преэклампсиянинг келиб чиқиш патогенезида sFlt-1 ва PlGF факторларнинг роли исботланган (Medical University Vienna, Австрия); ҳомиладорлик асоратларини башорат қилиш ва преэклампсияни аниқлашда биомаркёрларнинг ролини баҳолашга қаратилган усуллар ишлаб чиқилган (Department of Obstetrics, Leipzig University, Германия); ҳомиладорликнинг I триместрида преэклампсия билан асоратланишни аниқловчи скрининг методи ишлаб чиқилган (The Chinese University of Hong Kong, Гонконг); Оналар ўлимини камайтириш, туғруқ ва туғруқдан кейин преэклампсиянинг асоратларини олдини олиш, алгоритмлари ишлаб чиқилган (Академик И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Россия); иммуногенетик, биокимёвий ва бачадон-йўлдош гемодинамикаси характери, ангиоген ва проангиоген, ҳомила факторларнинг параметрлари турлича бўлганда ҳомиладорликда преэклампсиянинг салбий оқибатларини олдини олиш тизими яратилган (Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунё миқёсида бугунги кунда акушерлик амалиётида преэклампсия билан асоратланиш ҳолатларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида преэклампсия билан асоратланишни башорат қилишда генетик, иммун тизимининг энг муҳим кўрсаткичларини ўрганиш орқали уларнинг ролини баҳолаш; эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида, молекуляр-генетик маркёрларнинг ролини, плацентадаги гемодинамик бузилишларни ва преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлгунгача ташхислашда уларнинг аҳамиятини аниқлаш; преэклампсия билан асоратланган ва хавфи бор ҳомиладор аёлларда, она ва ҳомила биомаркёрлари параметрларининг прогностик қийматини баҳолаш ва ҳомиладорликни муваффақиятли яқунланишига ёрдам берадиган, оналар ўлимини камайтиришни таъминлайдиган чора-тадбирлар йўлларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни эрта ташхислаш, туғдириш ва даволаш муаммолари маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган: преэклампсия келиб чиқиш патогенезида плацентациянинг роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда плацента томирларида атеросклероз, артериялар ва артериолаларнинг склеротик торайиши, фибрин ўчоқларининг пайдо бўлиши ва инфарктларни ўз ичига олади, буларнинг барчаси плацента гипоперфузияси ва ишемиясига олиб келади, натижада преэклампсия ривожланиш хавфини оширади (Phipps E.A. et.al.,2020; Виноградова М. А., Кирсанова Т. В.,2020). Преэклампсия хавфи бор ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг 10 ҳафталаридан бошлаб sFlt-1 ва PlGF даражаси номутоносиблиги кузатилади, ҳомиладорликнинг иккинчи триместридан бошлаб бундай аёлларда преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлишни бошлайди (Leanos-Miranda A ва ҳаммуал., 2020; Sibai B., 2021). Сўнгги маълумотларга кўра, преэклампсия патогенезида эндотелиал дисфункция муҳим роль ўйнайди. sFlt-1 ва PlGF, Д-димер, IL-1 $\beta$  дисфункцияси натижасида эндотелий ҳужайралари прокоагулянтлар, вазоконстрикторлар ва ўсиш омилларини ишлаб чиқаради, қон-томир деворларининг тромбогенетик потенциалининг ошишига олиб келади (Ходжаева З.С ва ҳаммуал.,2019; Слободчикова Т.С.,2019; Сидорова И. С.,2019). Преэклампсияда юзаки трофобласт инвазияси туфайли бачадон спирал артерияларининг етарли даражада яхши шаклланмаслиги, бунинг натижасида қоннинг нотўғри тақсимланиши, плацентада қон яхши айланмаслиги сабабли, унинг ишемияси, оксидловчи стресс, эндотелий ҳужайраларининг sFlt-1, яллиғланиш цитокини TNF-  $\alpha$  га сергирлигининг ошиши натижасида она организмида кўп тизимли шикастланишга олиб келади (Armaly Z., Jadaon J.E.,2021; Zhu D., Chen W., Pan Y.,2021). Ҳомиладорлик даврида артериал гипертензия пайдо бўлиши билан бачадон артерияларида қон оқими, иммуногенетик тизим ўзгаришининг боғлиқлигини баҳолаш преэклампсиянинг ривожланиши ва унинг оғир шаклга ўтишини башоратлаш мезонлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни ташхислаш, даволаш ва реабилитацияни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Д.И. Туксанова олиб борган тадқиқотларида (2019) юрак ичи марказий ва регионар қон айланишнинг замонавий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс текшириш дастури ва баҳолаш мезонлари яратилган. Мамлакатимизда сўнгги 25 йил ичида оналар ўлими даражасининг пасайиши кузатилди, шунга қарамай, Миллий кўмита 2016 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда 63 та преэклампсия билан оналар ўлимининг критик таҳлили (ОЎКТ) ни кўриб чиққанда, оналар ўлими сабаби сифатида преэклампсия 25,4 фоизни ташкил этди (Ниязметов Р. Э., Каттаходжаева М. Х., 2018). Ҳомиладор аёлларнинг 92,1 % ҳомиладорликнинг антенатал даврида рўйхатга олинган бўлса-да, умумий амалиёт ва акушер-гинеколог врачлари томонидан сифатли

кузатув олиб борилмаган; 61,9 % ҳолатда эса ҳомиладор аёл ва унинг оила аъзолари томонидан касалхонага кеч мурожаат қилганликлари, сабаби преэклампсия ва унинг оқибатлари тўғрисида маълумотга эга эмасликлари; 80,9 % ҳолатларда аёл ҳолатини етарли даражада мониторинги олиб борилмаслиги натижасида оғир преэклампсия кечикиб ташхис қўйилган ва туғдириб олиш кечиктирилган (Любчич А.С., Бабажанова Ш.Д., 2018) юқоридагиларга малакали тезкор акушерлик ёрдамини кўрсатиши мумкин бўлган шифокорларнинг йўқлиги, преэклампсиядан аёлларнинг азият чекишига ва кейинчалик ҳаёт сифатининг пасайишига сабаб бўлади.

Республикамизда олиб борилаётган устувор сиёсатлар натижаси ва кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари натижаларига қарамасдан преэклампсия билан асоратланишнинг олдини олишга, эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш учун клиник тавсияларнинг етарли даражада эмаслиги, ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида асоратларнинг кўплиги янада кўпроқ изланишлар олиб боришни, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этишни, даволаш усуллари излаб топишни талаб қилади. sFlt-1, TNF- $\alpha$ , IL-1 $\beta$  миқдорининг ошиши эклампсия ривожланишининг юқори хавф омили сифатида талқин этилиши лозим. sFlt-1 эндотелий функция бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган омил сифатида алоҳида эътиборни тортади. Қатор клиник ва тажриба текширувлари асосида антиангиоген ва эндотелиал дисфункция орасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган (Махмудова С.Э., 2021). Сўнгги йиллар давомида преэклампсиянинг учраш частотаси маҳаллий олимлар томонидан таҳлил қилинган ва преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозловчи генларнинг мультифакторли алгоритмлари ишлаб чиқилган (Захидова Н.Э., 2019; Негматуллаева М.Н., 2022). Олиб борилган таҳлилларга кўра, Бухоро вилояти ҳудудида репродуктив ёшдаги аёллар орасида преэклампсия учраши ҳамда унинг самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари, иммуногенетик тадқиқодлар олиб борилмаганлиги аниқланган, ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, бехатар туғдириш усуллари ишлаб чиқиш ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2022DSc.152) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Преэклампсиянинг эрта клиник белгилари намоён бўлгунга қадар ташхислаш усуллари такомиллаштириш орқали иммуногенетик, гемостазиологик, биокимёвий ва гемодинамик маркёрларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг оналар ўлими ва перинатал ўлимни пасайтиришдаги ролини баҳолашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳомиладорликнинг биринчи триместрида энг муҳим анамнез маълумотлар асосида хавфли гуруҳга мойил бўлган ҳомиладор аёлларда преэклампсия ривожланишини аниқлаш;

ҳомиладорликнинг эрта босқичларида преэклампсия билан асоратланишни башорат қилишда, биокимёвий ва иммун тизимининг энг муҳим биомаркёрларини ўрганиш орқали, уларнинг ролини баҳолаш;

эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида, молекуляр-генетик маркёрларнинг ролини, плацентадаги гемодинамик бузилишларни ва преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлгунга қадар ташхислашда уларнинг аҳамиятини аниқлаш;

преэклампсия ривожланишини башорат қилишда, марказий гемодинамика ва ҳомиланинг регионар қон оқими ҳолатини баҳолаб, йўлдошдаги тизимли ва функционал бузилишларни эрта ташхислашни ўрганиш;

иммуногенетик, биокимёвий ва гемостазиологик биомаркёрлар параметрларининг ўзгариши фонида гемодинамик бузилишларнинг хусусиятларини аниқлаш ва преэклампсиянинг эрта ташхислашда, уларнинг аҳамиятини баҳолаш;

кўп тизимли эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида истиқболли биомаркёрларини ўрганиш ва уларнинг ҳомиладорлик асоратларини ривожланишида таъсир механизмини аниқлаш;

ҳомиладорликнинг биринчи триместрида преэклампсиянинг лаборатор ва инструментал предикторларини энг муҳимларини ажратиб кўрсатиш ва ушбу патологиянинг ривожланишини башорат қилиш учун клиник-лаборатор-инструментал предикторларнинг самарадорлигини баҳолаш;

оналар ўлими ва перинатал ўлимни камайтиришда ўз вақтида профилактик терапияни танлаш, она ва ҳомила биомаркёрлари параметрларининг ҳомиладорликни муваффақиятли яқунланишида прогностик қийматини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** 2019-2022- йилларда Бухоро вилояти перинатал маркази ва Жондор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплексига мурожаат қилган преэклампсия хавфи ва преэклампсия билан асоратланган 150 нафар бемор, назорат гуруҳига ҳомиладорлиги физиологик кечган 50 нафар аёл ташкил этган. Иммуногенетик, гемостазиологик, биокимёвий ва гемодинамик маркёрлар характерини баҳолаш учун ҳомиладорларни комплекс текшириш ҳомиладорликнинг I, II ва III триместрида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммуногенетик, гемостазиологик, биокимёвий текширувлар учун беморлар қон зардоби ҳамда марказий гемодинамика, бачадон-ҳомила қон оқими доплерэхографияси ва доплерометрияси материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-анамнестик, занжирли молекуляр-генетик, иммунологик, биокимёвий, функционал, доплерометрик ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда яшовчи ўзбек миллатига мансуб преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда IL-1 $\beta$  генининг (T31C) rs1143627 полиморфизми С аллел, С/С мутант вариантли генотиби ва IL-10 генининг (G1082A) rs1800896 полиморфизм А аллел, А/А мутант генотиби кўрсаткичлари преэклампсияни аниқлашда юқори даражада аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда проангиоген (PLGF) омилнинг пасайиши, антиангиоген (sVEGF-R1) омилининг ошиши, марказий гемодинамика хусусиятларини тавсифловчи (зарб ҳажми, юрак қисқаришлар сони, умумий периферик томир қаршилиги), регионар гемодинамика параметрларининг ошиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар ва гемостаз тизими (Д-димер) бузилишларининг асосий хавф омиллари аниқланган ва асоратларни клиникага таъхислаш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган;

преэклампсиянинг ўзига хос хавф омилларини аниқлашда, иммун тизимининг энг муҳим биомаркёрлари бўлган интерлейкин 1 $\beta$ (IL-1 $\beta$ ), ўсимта некрози омили (TNF- $\alpha$ ) ошиши ва интерлейкин -10 (IL-10) пасайиши ҳисобига намоён бўладиган клиник белгилар ва биокимёвий маркёрлар витамин 25(OH)D, PAPP-A,  $\alpha$ -ФП,  $\beta$ ХГЧ нинг лаборатор кўрсаткичлари аниқланган;

преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда иммунологик маркёрлар (IL-1 $\beta$ , IL-10, TNF- $\alpha$ ), про ва антиангиоген омиллар sFLT-1 (sVEGF-R1) ва PLGF, фибриноген, Д-димер, марказий ва регионар гемодинамикадаги ўзгаришлар замирида эндотелиал дисфункциянинг келиб чиқишида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва башоратга эга аҳамияти баҳоланган;

преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда зарб индекси, ҳажм фракциясининг камайиши, умумий периферик томир қаршилигининг ошиши, проангиоген факторнинг камайиши, антиангиоген омилнинг ошиши, иммунологик омилларнинг ошиши, бачадон артериаларида резистентлик индексининг ортиши ва ҳомила –йўлдош қон оқимининг ёмонлашуви тезкор туғруқ учун кўрсатма бўла олиши исботланган;

анамнезида преэклампсия хавфи бор аёлларда молекуляр-генетик ва лаборатор текширув натижалари асосида, ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи триместрида антиоксидант, антиагрегант, комплекс даво чоралари билан биргаликда қўлланилиб, кейинги ҳомиладорликнинг қоникарли кечиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликнинг I ва II триместрида преэклампсия хавфини ўз вақтида олдини олиш мақсадида ва преэклампсияни башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор, иммунологик, молекуляр-генетик текширув стандарти ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган;

преэклампсия хавфи ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда иммунологик маркёрлар (IL-1 $\beta$ , IL-10, TNF- $\alpha$ ) билан IL-1 $\beta$  генининг (T31C) rs1143627 полиморфизми ва IL-10 генининг (G1082A) rs1800896

полиморфизми ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги исботланиб, услубий тасиялар ишлаб чиқилган;

эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида, молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунологик маркёрларнинг ролини, плацентадаги гемодинамик бузилишларни ва преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлгунга қадар ташхислашда, уларнинг аҳамияти асослаб берилган;

преэклампсия ривожланишини башорат қилишда, марказий гемодинамика (ҳажм фракциясининг камайиши, умумий периферик томир қаршилигининг ошиши) ва бачадон артерияларида қон оқими бузилишлари (РИ ошиши), ҳомиланинг регионар қон оқими ҳолатини баҳолаб, йўлдошдаги тизимли ва функционал бузилишлар преэклампсия ривожланиши эрта омили эканлиги таклиф қилинган;

преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда 3 та генотипик вариант полиморфизмлари (IL-1 $\beta$ (Т31С) +IL-10(G1082А) +TNF- $\alpha$ (G308А)) комбинациясининг аҳамияти илмий асослаб кўрсатиб берилган;

кўп тизимли эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида истиқболли биомаркёрларини ўрганиш ва уларнинг ҳомиладорлик асоратларини ривожланишида таъсир механизми аниқланган;

оналар ўлими ва перинатал ўлимни камайтиришда, ўз вақтида профилактик терапияни танлаш, она ва ҳомила биомаркёрлари параметрларининг ҳомиладорликни муваффақиятли яқунланишида прогностик қийматининг муҳимлиги илмий асосланаган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган замонавий, етарлича синалган бир-бирини тўлдирадиган клиник, клиник-анамнестик, лаборатор ва статистик усуллар, беморлар сони ва танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунологик, доплерометрик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан тадқиқот натижаларининг таққосланганлиги, олинган натижалар юзасидан ваколатли ташкилотларнинг хулосалари олинганлиги ва улар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий, аҳамияти шундаки, акушерликда преэклампсия хавфини эрта аниқлаш, ташхислаш ва башоратлашнинг замонавий мезонлари республикада келажакда тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар орасида IL-1 $\beta$  ва IL-10 генлари полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантларининг учраши, иммунологик маркёрларнинг про ва антиангиоген омилларнинг, гемодинамик маркёрларнинг ошиши нафақат ПЭ ривожланиши, у билан боғлиқ асоратлар–ҳомила ривожланишининг орқада қолиши, шунингдек преэклампсия хавфини эрта ташхислашда, коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқишда, акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса

қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ҳомиладорлик даврида про ва антиангиоген, иммунологик, молекуляр-генетик, гемостаз тизими марказий ва регионар гемодинамика кўрсаткичларини тезкорлик билан динамик равишда назорат қилиш ҳомиладор аёлларда преэклампсия билан асоратланишни ва ҳомила- йўлдош қон оқими бузилишини ўз вақтида ташхислаш, коррекцияловчи терапия ўтказиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Преэклампсияни эрта ташхислаш ва башоратлашда клиник – лаборатор маркёрларнинг замонавий жиҳатлари бўйича олиб борилган илмий натижаларига кўра:

«Преэклампсия эрта диагностикаси ва унинг самарадорлигини аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-р/864-сон маълумотномаси). Натижада преэклампсия билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, доплероетрик ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

«Преэклампсияни эрта ташхислаш ва башоратлашда иммунологик маркёрларнинг роли ва уларнинг такомиллаштириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-р/865-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма преэклампсияни ташхислашда иммунологик параметрлар преэклампсиянинг клиник белгилари юзага келишидан олдин ташхислаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган;

«Преэклампсияни эрта ташхислашда генетик маркёрлар орқали аниқлашнинг самарадорлигини ошириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-р/863-сон маълумотномаси). Натижада преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда молекуляр- генетик статусини аниқлаш орқали преэклампсияни эрта ташхислаш имконини яратган;

Преэклампсияни ташхислашда иммунологик, молекуляр-генетик, биокимёвий, гемостазиологик ва регионар қон айланишининг замонавий жиҳатлари билан асосланган тадқиқот иши натижалари соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Самарқанд шаҳар 2 ва 3- сон туғруқ мажмуасига, Андижон шаҳар 2- сон туғруқ мажмуасига, Бухоро, Қорақўл туман туғруқ мажмуаси ва Когон туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги 8н-з/421-сон маълумотномаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар преэклампсия хавфини эрта аниқлашга, натижада даволаш самарадорлигини оширилишига, оналар ўлими ва перинатал асоратлар сонини камайтириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Олиб борилган тадқиқот натижалари 10та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Презкламписия муаммосига замонавий қарашлар: таърифи, патогенетик механизмлари, эрта ташхислаш ва даволаш мониторинги**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Мазкур боб етти фаслдан иборат бўлиб, уларда акушерлик амалиётида презкламписиянинг этиопатогенезининг замонавий талқини бўйича ҳал этилмаган маълумотлар, презкламписияни эрта ташхислаш ва истиқболни белгиловчи биомаркёрлар, унинг келиб чиқишида иммунологик ва генетик маркёрларнинг роли, тромбофилия ҳолатлари, она ва ҳомиланинг қон айланиш тизимининг хусусиятлари ва уларнинг презкламписиянинг ривожланишидаги роли, презкламписия хавфи бор ва презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни комплекс даволашнинг замонавий жиҳатлари ҳақидаги маълумот таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Презкламписия хавфи ва презкламписия билан асоратланган аёлларнинг клиник хусусиятларини ўрганишнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро тиббиёт институтининг 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси, Жондор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплекси ва Бухоро вилояти перинатал марказида 2019-2022 йиллар давомида амалга оширилди.

Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларни 4 гуруҳга бўлиб ўргандик: назорат гуруҳи – ҳомиладорлиги физиологик кечган ҳомиладор

аёллар гуруҳи (n=50);<sup>1A</sup> -гуруҳ – ПЭ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг I триместр 11-15 ҳафталари (n=50); <sup>1B</sup>-гуруҳ – ПЭ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг II триместр 16-28 ҳафталари (n=50);<sup>2</sup>- гуруҳ – ҳомиладорлиги преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар (n=50).

Умумий қон таҳлили кўрсаткичларини (эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин, гематокрит кўрсаткичи) ўрганиш Mindray BC-5300 Shenzhen Mindray Bio-Medical Electronics Co., Ltd. Хитой. гематологик анализатори ёрдамида клиник ва гематологик текширув талабларига мувофиқ амалга оширилди. Қоннинг биокимёвий таҳлиллари Бухоро вилояти перинатал маркази ва "SITODIAGNOSTIC" хусусий клиник лабораторияда амалга оширилди. Биоматериалларни текшириш ва ўрганиш Mindray BA-88A ва иммунофермент анализатори "STAT FAX-303+ Awareness АҚШ" ёрдамида амалга оширилди.

Иммунологик тадқиқот усули муаллиф томонидан ЎзРес ССВ Ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази "Иммунология лаборатория" бўлимида амалга оширилди. Текширувлар «Mindray MR-96A» иммунофермент анализатори аппарати ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг плазмасида IL1 $\beta$ , TNF- $\alpha$ , IL10 (вектор бест) интерлейкинлари текширилди.

Молекуляр генетик тадқиқот усули муаллиф томонидан ЎзРес ССВ Ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази "Молекуляр тиббиёт ва ҳужайралар технологияси" бўлимида амалга оширилди. Текширувлар «Rotor-Gene Q» аппарати ёрдамида амалга оширилди. Анамнезида преэклампсия билан асоратланган, преэклампсия ҳавфи бўлган ҳомиладор аёлларда IL1 $\beta$  генининг (T31C), TNF- $\alpha$  генининг (G308A), IL10 генининг (G1082A) полиморфизмлари текширилди.

Ҳомиладорлар юрак-томир тизими ҳолатини ўрганиш учун марказий гемодинамика ультратовушли комбинацияланган эхокардиография ва доплерометрия усулларида ўрганилди. Допплерометрик тадқиқот усуллари жондор туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими ва Бухоро вилояти перинатал марказида ўтказилди. Бунда биз, бачадон-йўлдош, ҳомила-йўлдош, киндик артерияси ва бачадон артериясини кўрсаткичларини ўргандик.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. ROC-анализи таҳлиллари ўтказилган.

**Диссертациянинг «Преэклампсияни эрта ташхислаш ва истиқболлини белгилашда клиник-лаборатор маркёрларнинг замонавий жиҳатлари»**

деб номланган учинчи бобида тадқиқотда қатнашган беморларнинг клиник кечиши, преэклампсияни башоратлашда биокимёвий маркёрларнинг роли тасвирланган.

Барча ҳолатларда преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар турли хил соматик ва гинекологик касалликлар фонида ПЭ ривожланган. Кузатувда бўлган барча аёлларнинг ёши 19-42 ёш атрофида бўлди. Ўртача ёш 1<sup>A</sup>-гуруҳда  $26,2 \pm 0,8$  (19-42) ёш; 1<sup>B</sup>-гуруҳда  $27,2 \pm 0,9$  (19-48) ёш, 2- гуруҳда  $28,8 \pm 0,8$  (42-19), назорат гуруҳида эса  $25,7 \pm 0,7$  (20-37) ташкил қилди.

Шуни қайд этиш лозимки, преэклампсияда аёллар назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 5-6 марта кўпроқ жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларини ўтказганлигини кўрсатдики, бу статистик аҳамиятга эга кўрсаткичдир (мос равишда 20%га қарши 56%,52%,58%) ( $P < 0,01$ ). Бачадон бўйнининг яхши сифатли ўсма касалликлари преэклампсия билан асоратланган аёллар анамнезида кўпроқ учради (56,0%), преэклампсия хавфи бўлган аёлларда эса мазкур кўрсаткич 52 %га тенг. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик назорат гуруҳи аёлларида 2 (4%), 2- гуруҳ ҳомиладор аёлларида эса бу кўрсаткич 5(10%)ни ташкил қилди. Анамнезида бепуштлик билан асоратланган аёллар назорат гуруҳида 3(6%)ни, бунга қарши 1 ва 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларда эса 16% ни ташкил қилди. Соматик касалликлар ҳомиладорликнинг турли асоратларини ривожланиши учун жиддий хавф омили ва нохуш фон ҳисобланади. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар гуруҳида 49 (98%) нафар аёлда камқонлик учраган бўлса, преэклампсия хавфи бор I ва II триместрдаги ҳомиладор аёлларда 90 %, 88 % камқонлик кузатилди ва бу назорат гуруҳи (78%)ни ташкил этди. Қалқонсимон без касалликлари ҳам преэклампсия билан асоратланган аёлларда 78 % ни, преэклампсия хавфи бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида бир хилда тез-тез учраб, ўртача 92%ни, назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларида эса 58 % ни ташкил этди. Сийдик ажратиш тизими касалликлари преэклампсия билан асоратланган аёлларнинг деярли ҳар иккита аёлдан бирининг анамнезида қайд этилди ва назорат гуруҳидагига нисбатан деярли икки марта кўпроқ учраб, мос равишда 46% ва 6%ни ташкил этди. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда соматик касалликлар тарқалиши статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди.

Ўтказилган тадқиқотлар ПЭ хавфи ва ПЭ ривожланган ҳомиладорларда ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёллар кўрсаткичларига нисбатан гемоглобин миқдори, эритроцитлар сонини статистик ишонарли камайиши кузатилиб ранг кўрсаткичини пасайишига мойиллик кузатилди. Бундай ўзгаришлар ҳомиладорларда камқонлик ривожланишидан далолат беради. Айниқса, кучли ўзгаришлар 2-гуруҳ ҳомиладорларда кузатилди.

ПЭ хавфи бўлган ҳомиладорларда плазмадаги АҚТВ қисқарган бўлиб ҳомиладорликнинг 1-триместрида  $27,41 \pm 0,34$  сонияни, 2- триместрида эса  $23,61 \pm 0,69$  сонияни ташкил қилди, яни назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,34 ( $P < 0,05$ ) ва 1,55 ( $P < 0,001$ ) мартаба қисқарди. Бунинг исботи бўлиб ПЭ ривожланган ҳомиладорларда АҚТВ кўрсаткичи яна ҳам қисқариб

20,53±0,57 сонияни ташкил этиши, яъни назорат гуруҳига нисбатан 1,78 (P<0,001) маротаба қисқаришидир. Назорат гуруҳида АҚТВ 36,62±0,25 сонияни ташкил этди. Олинган натижалар ПЭ ҳавфи ва ПЭ ривожланган ҳомиладорларда назорат гуруҳига нисбатан қон ивиш вақтининг қисқариши плазма гемостазида аниқ гиперкоагуляцион силжиш борлигини кўрсатди. Протромбин индекси махсус формуладан фойдаланиб ҳисобланди ва назорат гуруҳида 93,48±0,54% ташкил этди. ПЭ ҳавфи бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг 1 ва 2- триместрларида бу кўрсаткич 93,32±1,63 ва 98,62±1,27%, ПЭ ривожланган ҳомиладорларда эса 102,31±1,24% ни ташкил этди. Бу эса ҳомиладорларда гиперкоагуляция мавжудлигини кўрсатади.

1- жадвалдан кўришиб турибдики, ПЭ ҳавфи ва ПЭ ривожланган ҳомиладорларда халқаро меъёрлашган муносабат узайишига мойиллик кузатилди: 1<sup>А</sup>-гуруҳда ХММ 0,98±0,007, 1<sup>Б</sup>-гуруҳда – 0,95±0,01 ва 2-гуруҳда – 0,98±0,02 ни ташкил этди. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 0,86±0,03ни ташкил этди.

### 1- жадвал

#### Тадқиқотдаги ҳомиладорларнинг гемостазиологик кўрсаткичлари, М±m


Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=50	1 <sup>А</sup> -гуруҳ, n=50	1 <sup>Б</sup> -гуруҳ, n=50	2-гуруҳ, n=50
АҚТВ, сек	36,62±0,25	27,41±0,34 <sup>а</sup>	23,61±0,69 <sup>а,б</sup>	20,53±0,57 <sup>а,б</sup>
ПТИ, %	93,48±0,54	93,32±1,63	98,62±1,27 <sup>а,б</sup>	102,31±1,24 <sup>а,б</sup>
ХММ	0,86±0,03	0,98±0,007 <sup>а</sup>	0,95±0,01 <sup>а,б</sup>	0,98±0,02 <sup>а</sup>
Фибриноген, г/л	2,98±0,03	4,20±0,10 <sup>а</sup>	5,16±0,12 <sup>а,б</sup>	6,13±0,14 <sup>а,б</sup>
D-димер	613,6±30,7	713,8±36,9 <sup>а</sup>	1305,4±50,5 <sup>а,б</sup>	1763,9±21,8 <sup>а,б</sup>

Изоҳ: а – (назорат) гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли (P <0,05), б – 1<sup>а</sup>- гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли (P <0,05).

Фибриноген миқдорини ўрганиш унинг концентрациясининг қон плазмасида сезиларли даражада ошганлиги, бу эса гиперкоагуляцион силжиш мавжудлигини кўрсатди. Қон плазмасида D-димер миқдорини аниқлаш ҳомиладорликни ПЭ билан асоратланиш ҳавфини башоратлашда қўллаш мумкин, чунки унинг ўзгариши она-йўлдош-ҳомила микроциркулятор ўзанида стаз ривожланишини кўрсатади.

Умуман олганда ПЭда йўлдош микроциркулятор ўзанида маълум даражада эндотелиит ривожланиши сабабли биз тадқиқотдаги ҳомиладорларнинг қон зардобидида СРО оқсилни аниқладик. Ўтказилган тадқиқотлар физиологик ҳомиладорликда 2,23±0,11 мг/л ташкил этди (1<sup>а</sup> - расмга қаралсин). Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи триместрларида ПЭ ривожланиш ҳавфи бўлганларнинг қон зардобидида СРО миқдори статистик ишонарли 1,57 (P <0,01) ва 1,96 (P <0,001) маротаба ортиб 3,51±0,16 ва 4,38±0,08 мг/лни ташкил этди. ПЭ ривожланган ҳомиладорларда эса бу кўрсаткич 7,62±0,17 г/лни ташкил этиб назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 3,42 (P<0,001) маротаба юқори бўлди. Днинг фаол шакли 25-гидроксивитамин D [25(ОН)D] миқдорини аниқладик. Ўтказилган тадқиқотлар физиологик кечувчи ҳомиладорликда унинг миқдори 19,9±0,64

нг/млни ташкил этди ( $1^b$  -расмга қаралсин). Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи триместрларида ПЭ ҳавфи бўлганида бу кўрсаткич 1,35 ( $P<0,05$ ) ва 1,46 ( $P<0,05$ ) маротаба пасайиб 14,7±0,80 ва 13,6±0,93 нг/мл ташкил этди. Преэклампсия ривожланган ҳомиладорларда эса 25(OH)D миқдори яна ҳам пасайиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,72 ( $P<0,001$ ) маротаба паст бўлиб 11,6±0,47 нг/млни ташкил қилди. Бу  $1^a$  -гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ҳам статистик ишонарли 1,27 ( $P<0,05$ ) маротаба паст бўлди.



**1- расм. Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи триместрларида преэклампсия ҳавфи, ҳамда преэклампсия ривожланган ҳомиладорларнинг қон зардобида СРО (нг/л) (а) ва 25(OH)D (нг/мл) (б) миқдори.**

Плацентар етишмовчилик ангиогенезни бошқарувчи омилларни (плацента ўсиш омили (PlGF) ва антиангиоген омиллар миқдорини ортиши кузатилади.

Ҳомиладорликнинг 1- триместрида ПЭ ривожланиш ҳавфи бўлган аёлларда қон зардобида sFlt-1 миқдори 1,78 ( $P<0,01$ ) маротаба статистик ишонарли ортиши кузатилиб 2335,55±346,57 пг/мл [512–14511 пг/мл] ни ташкил қилди. Бу гуруҳ ҳомиладорларнинг қон зардобида PlGF миқдори 4,45 ( $P<0,001$ ) маротаба камайиши кузатилиб 83,39±6,61 пг/мл [25,2–190,5 пг/мл] ташкил этди. sFlt-1ни PlGFга нисбати бу гуруҳда 33,62±4,04 [4,24–126,22] ташкил этиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 5,88 ( $P<0,001$ ) маротаба юқори бўлди (2-жадвалга қаралсин).

## 2- жадвал

**Физиологик ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларнинг қон зардобида антиангиоген ва проангиоген омилларнинг миқдори,  $M\pm m$**

Гуруҳлар	sFlt-1, пг/мл	PLGF, пг/мл	sFlt-1/PlGF
Назорат гуруҳи, n=50	1312,69±20,72	370,86±43,32	5,72±0,41
$1^A$ -гуруҳ, n=50	2335,55±346,57 <sup>a</sup>	83,39±6,61 <sup>a</sup>	33,62±4,04 <sup>a</sup>
$1^B$ -гуруҳ, n=50	3955,72±290,86 <sup>a,b</sup>	84,36±6,77 <sup>a</sup>	57,21±5,82 <sup>a,b</sup>
2-гуруҳ, n=50	12235,38±160,87 <sup>a,b</sup>	71,12±4,48 <sup>a</sup>	216,32±17,49 <sup>a,b</sup>

Изоҳ: а – 1- (назорат) гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ( $P<0,05$ ), б –  $1^a$ - гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ( $P<0,05$ ).

Ҳомиладорликнинг 2- триместрида ПЭ ривожланиш хавфи бўлган аёлларда қон зардобида sFlt-1 миқдори 3,01 ( $P < 0,001$ ) маротаба статистик ишонарли ортиши кузатилиб  $3955,72 \pm 290,86$  пг/мл [1013–9611 пг/мл] ни ташкил қилди. Унинг миқдори  $1^A$ -гуруҳ кўрсаткичларидан ҳам 1,69 ( $P < 0,01$ ) маротаба юқори бўлди. Бу гуруҳ ҳомиладорларнинг қон зардобида PlGF миқдори  $1^B$ -гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмади, меъерий кўрсаткичларга нисбатан эса 4,4 ( $P < 0,001$ ) маротаба камайиши кузатилиб  $84,36 \pm 6,77$  пг/мл [22,8–228 пг/мл] ташкил этди. sFlt-1ни PlGFга нисбати бу гуруҳда  $57,21 \pm 5,82$  [20,07–199,73] ташкил этиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 10 ( $P < 0,001$ ) ва  $1^A$  гуруҳиникидан 1,7 ( $P < 0,01$ ) маротаба юқори бўлди. Жумладан, бу гуруҳ ҳомиладорларнинг қон зардобида sFlt-1 миқдори 9,33 ( $P < 0,001$ ) маротаба статистик ишонарли ортиши кузатилиб  $12235,38 \pm 160,87$  пг/мл [1105–1570 пг/мл] ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар  $1^A$  ва  $1^B$  ҳомиладорларнинг кўрсаткичларига нисбатан 5,24 ( $P < 0,001$ ) ва 3,09 ( $P < 0,001$ ) маротаба юқори бўлди. Шу билан бирга бу гуруҳ ҳомиладорларнинг қон зардобида PlGF миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 5,21 ( $P < 0,001$ ) маротаба камайиши кузатилиб  $71,12 \pm 4,48$  пг/мл [21–130 пг/мл] ташкил этди, аммо  $1^A$  ва  $1^B$  гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан пасайишига мойиллик аниқланди. sFlt-1ни PlGFга нисбати бу гуруҳда  $216,32 \pm 17,49$  [89,94–604,33] ташкил этиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 37,82 ( $P < 0,001$ ) маротаба юқори бўлди, 1 ва 2-триместрларда ПЭ ҳавфи кузатилган ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли 6,43 ( $P < 0,001$ ) ва 3,78 ( $P < 0,001$ ) маротаба юқори бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар физиологик ҳомиладорликда PAPP-A оқили миқдори  $4,95 \pm 0,21$  мкг/мл (1,89-8,2 мкг/мл) ташкил этди (3-жадвалга қаралсин). Ҳомиладорликнинг 1 триместрида ПЭ ривожланиш хавфи кузатилган  $1^A$ -гуруҳда биз бу кўрсаткични 1,28 ( $P < 0,05$ ) маротаба ортиб  $6,33 \pm 0,18$  мкг/мл ни ( $5,21$ - $11,2$  мкг/мл) ташкил этди. Ҳомиладорликнинг 2-триместрида ПЭ ҳавфи кузатилган  $1^B$ -гуруҳда PAPP-A нинг қон зардобидаги миқдори прогрессив ортиб борди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,68 ( $P < 0,001$ ) маротаба юқори бўлиб  $8,34 \pm 0,19$  мкг/мл ни ( $6,1$ - $11,8$  мкг/мл) ташкил этди. Энг юқори кўрсаткичлар 2- гуруҳ ҳомиладорларда кузатилди. Бу ҳомила омилининг миқдори 2,48 ( $P < 0,001$ ) маротаба назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб  $12,30 \pm 0,57$  мкг/мл гача ( $6,8$ - $19,5$  мкг/мл) кўтарилди. Бу кўрсаткич  $1^A$  ва  $1^B$  гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан 1,34 ( $P < 0,01$ ) ва 1,48 ( $P < 0,01$ ) маротаба юқори бўлди.

3- жадвал


**Физиологик ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларнинг қон зардобида ҳомила омилларининг миқдори,  $M \pm m$**

Гуруҳлар	PAPP-A, мкг/мл	$\alpha$ -ФП, МЕ/л	$\beta$ ХГЧ, мМЕ/л
Назорат гуруҳи, n=50	$4,95 \pm 0,21$	$57,96 \pm 2,08$	$72,92 \pm 3,78$
$1^A$ -гуруҳ, n=50	$6,33 \pm 0,18^a$	$83,44 \pm 4,24^a$	$137,75 \pm 7,89^a$
$1^B$ -гуруҳ, n=50	$8,34 \pm 0,19^{a,b}$	$146,26 \pm 6,55^{a,b}$	$53,63 \pm 2,44^{a,b}$
2-гуруҳ, n=50	$12,30 \pm 0,57^{a,b}$	$116,96 \pm 7,55^{a,b}$	$68,08 \pm 2,61^b$

Изоҳ: а –(назорат) гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ( $P < 0,05$ ), б –  $1^a$  - гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ( $P < 0,05$ ).

Бизнинг мақсадимиз, умумклиник, биокимёвий, яллиғланиш омиллари, витамин D, ҳамда плацентар ва ҳомила омилларини ҳомиладорликнинг 11-15, 16-28 ҳафталарида ва 3- триместрида ПЭ ривожланган ҳомиладорларда аниқладик. Бунинг учун, албатта, ҳар бир таклиф этилаётган тестнинг сезувчанлиги (беморлар ичида аниқ мусбат натижаларнинг сони), хусусийлиги (соғломлар ичида аниқ манфий натижаларнинг сони) ва диагностик самарадорлигини (барча текширувлар орасида аниқ натижалар сони) ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Ушбу йўналишда ўтказилган тадқиқотларда биз қуйидаги кўрсаткичларни олдик: D-димер, сийдик кислота, СРО, sFlt-1(sVEGF-R1), PLGF, sFlt-1/PlGF, PAPP-A,  $\alpha$ -ФП ва  $\beta$ -ХГЧ. Ўтказилган тадқиқотлар бу тестларнинг хусусийлиги турлича эканлигини кўрсатди (2-расмга қаралсин).

Жумладан, D-димер, сийдик кислота ва СРОларни ПЭни ташхислашда хусусийлиги 72-76% ташкил қилган бўлса, sFlt-1(sVEGF-R1), PLGF ва sFlt-1/PlGF тестларда – 90-96% ташкил қилди, ваҳоланки ҳомила омилларининг хусусийлиги бирмунча паст бўлиб, 70-86% ни ташкил этди. Демак, ПЭ ривожланиш хавфини аниқлаш учун хусусийлиги жиҳатидан плацента омиллари юқори экан. Шунини айтиш жоизки, ҳозирги кунда sFlt-1/PlGF кўрсаткичи ПЭ ривожланиш хавфини белгиловчи мезон сифатида қабул қилинмоқда.



**2- расм. Қўлланилган тест тизимларни ПЭ хавфи ташхислашда хусусийлиги.**

Бизнинг тадқиқотларимизда ҳомиладорликнинг 1-триместрида бу кўрсаткичнинг сезувчанлиги 78% ни, 2- триместрида – 80% ни, ва ПЭ ривожланган ҳомиладорларда – 100%ни ташкил этди. Диагностик самарадорлиги эса бу гуруҳларда 0,81; 0,85 ва 0,9 ни, умумийи эса – 85%га тўғри келди. Биз ҳам кўпчилик муаллифлар фикрига қўшилиб ПЭ ривожланишини башоратлашда sFlt-1/PlGF мезон сифатида қўллаш мумкин, деган хулосага келдик. Баъзи муаллифларининг фикрига кўра, ҳомила омиллари ҳам ПЭ ривожланиши хавфини башоратлаши мумкин. Бизнинг тадқиқотларимизда ҳомила омилларидан муҳими PAPP-A аниқланди. Бизнинг тадқиқотларимизда бу кўрсаткичнинг хусусийлиги 80% ташкил қилган бўлса, сезувчанлиги ҳам юқори бўлди: ҳомиладорликнинг эрта муддатларида – 88%, 2- триместрда - 96% ва ПЭ ривожланганларда эса –

100%ни ташкил қилди. ПЭ ривожланиш хавфини башоратловчи диагностик самарадорлик эса 0,84; 0,88 ва 0,90 ташкил қилди. Бу юқори кўрсаткич бўлиб, эрта ПЭ ривожланиши башоратлашда ишлатиш мумкин.

Аммо қолган ҳомила омиллари  $\alpha$ -ФП ва  $\beta$ -ХГЧ хусусийлиги, сезувчанлиги ва диагностик самарадорлиги бирмунча паст бўлди.

Шундай қилиб, эрта ПЭ ривожланиш хавфини башоратлашда қўлланилган 9 кўрсаткичлардан 4тасини танлаш мумкин. Буларга сийдик кислота, sFlt-1, sFlt-1/PlGF ва PAPP-Алардир, уларнинг диагностик самарадорлиги ва башоратлаши ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ПЭ ривожланиш хавфи 0,77; 0,79; 0,81 ва 0,85ни ташкил этди, яни сийдик кислота  $>180$  мкмоль/л, sFlt-1  $>1469$  пг/мл, sFlt-1/PlGF  $>18$  ва PAPP-А  $> 6,4$  мкг/млдан юқори бўлса ПЭ ривожланиш хавфини кўрсатади. Кечки ПЭ ривожланиш хавфи бўлиб D-димер (0,84), сийдик кислота (0,83), СРО (0,88), sFlt-1 (0,89), sFlt-1/PlGF (0,85), PAPP-А (0,88) ва  $\alpha$ -ФП (0,87) ларни танлаш мумкин. ПЭнинг аниқ патогенези аниқланмаган бўлса-да, бизнинг фикримизча унинг келиб чиқишида бир неча омиллар қатнашади, жумладан, эндотелиал ҳужайраларнинг дисфункцияси, иммун тизимнинг дисфункцияси ва трофобластнинг инвазиясини сушт кечиши. Шунинг учун уни келиб чиқиш механизмини ўрганиш ва олдини олиш мақсадида самарали мезонларни қўллаш ҳомиладорликнинг бундай оғир асоратини башоратлаш зарурдир.

Диссертациянинг «**Презклампсия хавфи бор ва презклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда цитокинлар ҳолати ва кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида қайдэтилган гуруҳлардаги 200 нафар беморда цитокинлар ҳолати натижалари батафсил баён этилган. Бизнинг фикримизча, кузатилган бундай ўзгаришлар гестацион муддат ва ПЭ хавфи билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки айнан ПЭ ривожланган ҳомиладорларда биз энг юқори ўзгаришларни кузатдик.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, цитокинларнинг концентрацияси қуйидагиларни кўрсатди, бу кўрсаткич биринчи триместрда презклампсия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда ИЛ-1 $\beta$   $6,15\pm 0,5$  пг/мл, II триместрда эса,  $8,17\pm 0,66$  пг/мл, презклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда  $19,78\pm 1,1$  пг/млни ташкил қилди. Назорат гуруҳи ҳомиладор аёллари  $3,54\pm 0,47$  пг/мл натижани кўрсатди. “Интерлейкин-1 бета (IL-1 $\beta$ ) пг/мл” кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи кўрсатилган. Эгри чизиқ остидаги майдон  $0,879\pm 0,110$  (95% ИО (ишонч оралиғи)  $0,545\dots 0,990$ ),  $r=0,04$  ни ташкил этди, IL-1 $\beta$  дан амалда презклампсия предиктори сифатида фойдаланиш имкониятидан далолат беради. Олиб борган тадқиқотимизда презклампсия билан асоратланган аёлларда IL-1 $\beta$  плазмадаги миқдори  $19,78$  пг/мл ни (спецификлик 88 %, сезувчанлик 94, аниқлилик 80 %) ташкил қилди.

Мазкур гуруҳ ҳомиладор аёллари қон зардобидеги TNF- $\alpha$  презклампсия хавфи бўлган 1<sup>А</sup>- гуруҳда, яъни биринчи триместрда TNF- $\alpha$  даражаси  $6,55\pm 0,55$  пг/млни, 1<sup>Б</sup>- гуруҳда, яъни иккинчи триместрда  $13,58\pm 0,75$  пг/мл ва презклампсия билан асоратланган 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида бу кўрсаткич  $23,3\pm 1,05$  пг/мл га тенг бўлди. Ўрганилаётган назорат гуруҳидаги ҳомиладор

аёлларда ўсимта некрози омили (TNF- $\alpha$ ) даражаси  $4,25 \pm 0,57$  пг/мл ни ташкил қилди. “Ўсимта некрози омили (TNF- $\alpha$ ) пг/мл” кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи кўрсатилган. Эгри чизиқ остидаги майдон  $1,84 \pm 0,115$  (95% ИО (ишонч оралиғи) 0,800... 1,000),  $P=0,01$  ни ташкил этди, TNF- $\alpha$  дан амалда преэклампсия предиктори сифатида фойдаланиш имкониятидан далолат беради. Олиб борган тадқиқотимизда преэклампсия билан асоратланган аёлларда TNF- $\alpha$  плазмадаги миқдори 23,3 пг/мл ни (спецификлик 80 %, сезувчанлик 96, аниқлилиқ 80,5 %) ташкил қилди.

Интерлейкин -10 (ИЛ-10) нинг қондаги концентрацияси I триместрда преэклампсия хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда  $14,42 \pm 0,54$  пг/мл ни, II триместрда  $14,6 \pm 0,64$  пг/мл ташкил қилди,  $1^A$  ва  $1^B$  гуруҳлар кўрсаткичлари орасида статистик аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмади. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар орасида бу кўрсаткич  $12,3 \pm 0,81$  пг/мл ни, назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларида эса мазкур кўрсаткич  $15,53 \pm 0,44$  пг/мл ташкил этади ( $P < 0,01$ ).  $1^A$  ва  $1^B$  гуруҳлар ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан, 2-гуруҳ кўрсаткичлари статистик аҳамиятли ўзгаришлар кузатилган. “Интерлейкин-10 (IL-10) пг/мл” кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи кўрсатилган. Эгри чизиқ остидаги майдон  $1,03 \pm 0,100$  (95% ИО (ишонч оралиғи) 0,360... 0,980),  $p=0,01$  ни ташкил этди, IL-10 дан амалда преэклампсия предиктори сифатида фойдаланиш имкониятидан далолат беради. Олиб борган тадқиқотимизда преэклампсия билан асоратланган аёлларда IL-10 плазмадаги миқдори 23,3 пг/мл ни (спецификлик 89,7 %, сезувчанлик 76,4, аниқлилиқ 80,5 %) ташкил қилди.

Диссертациянинг «**Преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда молекуляр–генетик кўрсаткичларининг хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида тадқиқотимизга жалб қилинган 121 нафар асосий гуруҳда бўлган ҳомиладор аёллар ва базадан олинган 110 нафар ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларда генетик тадқиқотлар ўтказилиб, IL-1 $\beta$  (T31C), TNF- $\alpha$  (G308A) и IL-10 (G1082A) генларининг полиморфизмини ўрганилди.

Тадқиқотимизга жалб қилинган преэклампсия хавфи бор, преэклампсия билан асоратланган ва ҳомиладорлиги меъёрида кечаётган ҳомиладор аёллар гуруҳида IL-1 $\beta$  генининг (T31C) полиморфизми аллеллари ва генотипларининг частотаси тақсимотини ўрганиб чиқдик. Преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган асосий гуруҳ ҳомиладор аёлларида TT гомозигота генотиби 23,14% ни, TC гетерозигота генотиби 51,24 % ни, CC гомозигота мутант формаси 25,62 % ни ташкил қилди. Тадқиқотимизда, IL-1 $\beta$  гени аллелларнинг учраш даражаси қуйидагича бўлди; асосий гуруҳда T аллел ва C мутант аллеллари улуши 48,8% ва 51,2% га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар мос равишда 58,6% ва 41,4% нисбатни ташкил қилди. T аллел учун мос равишда ( $\chi^2=4,5$ ;  $p>0,05$ ; RR=0,8; 95% CI: 0,59 - 1,17; OR=0,7; 95% CI: 0,46 - 0,97). C мутант аллел учун мос равишда ( $\chi^2=4,5$ ;  $p>0,05$ ; RR=1,2; 95% CI: 0,82 - 1,77; OR=1,5; 95% CI: 1,03-2,15). OR нуқтаи назаридан C мутант аллели тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларда преэклампсия хавфини оширади (OR=1,5; 95%

CI:1,03-2,15). Иккала аллел генига нисбатан биз олган натижалар ишончли эди ( $\chi^2=4,5$ ;  $p=0,05$ ).

Асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда IL-1 $\beta$  гендаги T31C нинг T/T, T/C, C/C генотиплари кўрсаткичлари 23,1%, 51,2% ва 25,6% ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳига нисбатан мазкур кўрсаткичлар мос равишда 34,5%, 48,2% ва 17,3% нисбатни ташкил қилди. Назорат гуруҳида T/T ёввойи генотипининг аниқланиш кўрсаткичи бир оз юқорилиги аниқланди ва мос равишда ( $\chi^2=3,7$ ;  $P>0,1$ ;  $RR=0,7$ ; 95% CI: 0,36-1,23;  $OR=0,6$ ; 95% CI: 0,32-1,01). Асосий гуруҳда эса гетерозиготали T/C ва мутант C/C генотиплари устун қилганлиги аниқланди ва мос равишда T/C ( $\chi^2=0,2$ ;  $p>0,7$ ;  $RR=1$ ; 95% CI: 0,66-1,72;  $OR=1,1$ ; 95% CI: 0,67-1,89), мутант C/C генотипи эса, ( $\chi^2=2,4$ ;  $p>0,1$ ;  $RR=1,5$ ; 95% CI: 0,89-2,48;  $OR=1,6$ ; 95% CI:0,87-3,12) нисбатни ташкил қилди. Тақдим этилган маълумотлардан аниқ бўлдики, бизнинг тадқиқотимизда мутант вариант C/C генотипи аниқланган ҳомиладор аёлларда преэклампсия хавфининг сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди ( $OR =1,9$ ; 95% CI: 0,92 - 3,82). Шундай қилиб, AUC ўртача 0,6 га тенг бўлганлиги учун, IL-1 $\beta$  генининг мутант C алели преэклампсияни башорат қилиш учун маркёри сифатида, нисбатан юқори прогностик самарадорликка эга.

Тадқиқотимиздаги асосий гуруҳ ҳомиладор аёлларда ёввойи гомозиготали G/G генотипи 80,99% ни, G/A гетерозиготали генотип эса 19,01% ташкил қилган бўлса, мос равишда назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларда 88,2% ва 11,8% га тенг бўлди. Иккала гуруҳда ҳам гомозиготали мутант A/A варианты учрамади. TNF- $\alpha$  генининг аллелларини тақсимланишини ўрганганимизда, ёввойи турдаги G аллел назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларида кенг тарқалганлигини 94,1%, асосий гуруҳда эса 90,5 % ташкил қилганлигини кўрдик. A мутант аллелнинг улуши асосий гуруҳда 9,5% га, назорат гуруҳида эса 5,9 % га тенг бўлди.

Тадқиқотимизда TNF- $\alpha$  гени аллелларнинг учраш даражаси қуйидагича бўлди: асосий гуруҳда G аллел ва A мутант аллеллари улуши 90,4 % ва 9,5 % га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар мос равишда 94,1% ва 5,9% нисбатни ташкил қилди. G аллел учун мос равишда ( $\chi^2=2,1$ ;  $p=0,2$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,58 - 1,61;  $OR=0,6$ ; 95% CI: 0,3 - 1,2). A мутант аллел учун мос равишда ( $\chi^2=2,1$ ;  $p=0,2$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,43 - 2,49;  $OR=1,7$ ; 95% CI:0,83-3,37). Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳидаги TNF- $\alpha$  гени (G308A) нинг G/G, G/A, A/A генотиплари кўрсаткичларини, ўзаро таққослаганимизда, ёввойи G/G генотипи назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларида кўпроқ тарқалганлигини, асосий гуруҳда эса G/A гетерозиготали генотипларининг сезиларли даражада устунлик қилганлигини аниқладик. Иккала гуруҳ ҳомиладор аёлларида A/A мутант гомозиготали генотип аниқланмади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, имкониятлар нисбати ( $OR$ ) бўйича мутант аллел A ( $OR=1,7$ ; 95% CI: 0,83–3,37) ва гетерозигота G/A генотипи ( $OR=1,8$ ; 95% CI: 0,84–3,63) га тенг бўлганлиги учун, преэклампсия ривожланишида хавф омили дейишимиз мумкин, аммо ( $\chi^2=2,3$ ;  $P=0,2$ ) тенг бўлганлиги сабабли статистик ишончли эмас.

Тадқиқотимизга жалб қилинган, II-гуруҳга нисбатан, I-гуруҳда G аллели учраш частотаси бир оз устунлиги аниқланди 90,1% га 89,0% нисбатни ташкил қилди, мос равишда ( $\chi^2=0,1$ ;  $p=0,8$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,5-2,07;  $OR=1,1$ ; 95% CI: 0,49-2,6). A аллел эса аксинча II-гуруҳда устунлик қилди ва мос равишда 11,0 % га 9,9 % нисбатни ташкил қилди ( $\chi^2=0,1$ ;  $p=0,8$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,39-2,48;  $OR=0,9$ ; 95% CI: 0,38-2,04). II-гуруҳга нисбатан, I-гуруҳда ёввойи G/G гомозигот генотипи кўрсаткичи устунлиги аниқланди ва мос равишда (80,3% га 78,0% нисбатни ташкил қилди; ( $\chi^2=0,1$ ;  $p=0,8$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI:0,48-2,19;  $OR=1,1$ ; 95% CI: 0,47-2,79). I- гуруҳга нисбатан, II-гуруҳда G/A гетерозигот генотипининг аниқланиш кўрсаткичи юқорилиги аниқланди ва мос равишда 22,0% га 19,7% нисбатни ташкил қилди ( $\chi^2=0,1$ ;  $p=0,8$ ;  $RR=0,9$ ; 95% CI: 0,42-1,91;  $OR=0,9$ ; 95% CI:0,36-2,12). TNF- $\alpha$  ген аллелларининг башоратли моделини қилишда, асосий гуруҳдаги мутант аллелларнинг сезгирлиги 94% билан яхши натижа кўрсатганлиги аниқланди, аллелларнинг спецификлиги 10 % паст натижани кўрсатди. ROC эгри чизиғи остидаги майдон (AUC) 0,52 ни ташкил қилди. Олинган AUC қийматлари TNF- $\alpha$  гени rs1800629(G308A) полиморфизми преэклампсия ривожланишида мустақил прогностик модел сифатида барча гуруҳлар учун, статистик ишончсиз эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотимизга жалб қилинган преэклампсия хавфи бор, преэклампсия билан асоратланган ва ҳомиладорлиги меъёрида кечаётган ҳомиладор аёллар гуруҳида IL-10 генининг (G1082A) полиморфизми аллеллари ва генотипларининг частотаси тақсимотини ўрганиб чиқдик. Преэклампсия хавфи бор ва преэклампсия билан асоратланган асосий гуруҳ ҳомиладор аёлларида G/G гомозигота генотипи 12,4% ни, G/A гетерозигота генотипи 38,84 % ни, A/A гомозигота мутант формаси 48,76 % ни ташкил қилди. Назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларида шу генотиплар мос равишда 57,27%, 37,27%, 5,45% га тенг бўлди. Ёввойи G аллел ва мутант A аллели кўрсаткичи мос равишда асосий гуруҳда 31,82 % ва 68,18 % ни, назорат гуруҳида эса 75,91% ва 24,09% ни ташкил қилди.

Тадқиқотимизда IL-10 гени аллелларнинг учраш даражаси қуйидагича бўлди: асосий гуруҳда G аллел ва A мутант аллеллари улуши 31,8 % ва 68,2 % га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар мос равишда 75,9 % ва 24,1 % нисбатни ташкил қилди. G аллел учун мос равишда ( $\chi^2=89,9$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=0,4$ ; 95% CI: 0,28 – 0,68;  $OR=0,1$ ; 95% CI: 0,1 - 0,22). A мутант аллел учун мос равишда ( $\chi^2=89,9$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=2,4$ ; 95% CI: 1,46 - 3,89;  $OR=6,8$ ; 95% CI:4,55-10,02). OR нуқтаи назаридан A мутант аллели тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларда преэклампсия хавфини оширади ( $OR=6,8$ ; 95% CI: 4,55-10,02). Иккала аллел генига нисбатан биз олган статистик таҳлиллар ишончли эди ( $\chi^2=89,9$ ;  $p=0,01$ ).

Асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда IL-10 гендаги(G1082A) нинг G/G, G/A, A/A генотиплари кўрсаткичлари 12,4%, 38,8 % ва 48,8 % ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳига нисбатан мазкур кўрсаткичлар мос равишда 57,3%, 37,3 % ва 5,5 % нисбатни ташкил қилди. Назорат гуруҳида G/G ёввойи генотипининг аниқланиш кўрсаткичи бир оз юқорилиги аниқланди ва мос

равишда ( $\chi^2=51,9$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=0,2$ ; 95% CI: 0,09-0,54;  $OR=0,1$ ; 95% CI: 0,06-0,19). Асосий ва назорат гуруҳида гетерозиготали G/A генотиби бир хил нисбат қайд этилди ва мос равишда ( $\chi^2=0,1$ ;  $p=0,9$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,64-1,71;  $OR=1,1$ ; 95% CI: 0,63-1,82), мутант A/A генотиби назорат гуруҳидан устун қилганлиги аниқланди ва мос равишда  $\chi^2=53,4$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=8,9$ ; 95% CI: 5,9-13,54;  $OR=16,5$ ; 95% CI: 7,78-34,97 нисбатни ташкил қилди.

Асосий гуруҳ ҳомиладор аёлларини иккита кичик гуруҳларга бўлганимизда, биринчи кичик гуруҳга преэклампсия хавфи бор ҳомиладор аёлларни киритган эдик, яъни I- гуруҳ II-10 генининг G аллели 31,7 % бўлса, A аллел эса 68,3 % ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса, мазкур кўрсаткичлар мос равишда 75,9 % ва 24,1 % тенг бўлди. I- гуруҳга нисбатан, назорат гуруҳида G аллеллари улуши бир оз устунлик қилди, мос равишда; ( $\chi^2=69,5$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=0,4$ ; 95% CI: 0,24-0,73;  $OR=0,1$ ; 95% CI: 0,09-0,23). A аллели кўрсаткичи эса, I- гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан бир оз устунлик қилди, мос равишда ( $\chi^2=69,5$ ;  $p=0,01$ ;  $RR=2,4$ ; 95% CI: 1,53-3,74;  $OR=6,8$ ; 95% CI: 4,33-10,66). Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан аниқ бўлдики, A мутант аллели, ўз навбатида преэклампсия эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Ёввойи G - аллели эса ҳимоя ролини ўйнайди. Тадқиқотимиз натижалари статистик ишончли эди ( $\chi^2=69,5$ ;  $P=0,01$ ).

Тадқиқотимизга жалб қилинган, I ва II-гуруҳидаги II-10 гендаги G1082A полиморфизми ёввойи G аллели тақсимланиши кўрсаткичи I-гуруҳ (преэклампсия хавфи бор ҳомиладор аёллар) ва II-гуруҳ (преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар) ҳомиладор аёллар орасида бир хил частотада учради 31,7% га 32,0% нисбатни ташкил қилди, мос равишда ( $\chi^2=0,0$ ;  $p=0,975$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,63- 1,55;  $OR=1,0$ ; 95% CI:0,57-1,71). A мутант аллел ҳам иккала гуруҳда бир хил частотада учради мос равишда 68,3% га 68,0% нисбатни ташкил қилди, мос равишда ( $\chi^2=0,0$ ;  $p=0,975$ ;  $RR=1,0$ ; 95% CI: 0,54-1,9;  $OR=1,0$ ; 95% CI:0,59-1,76). II-гуруҳда, I-гуруҳга нисбатан ёввойи G/G гомозигот генотиби кўрсаткичи устунлиги аниқланди (16,0% га 9,9% нисбатни ташкил қилди, мос равишда; ( $\chi^2=1,0$ ;  $p=0,4$ ;  $RR=0,6$ ; 95% CI: 0,2-1,86;  $OR=0,6$ ; 95% CI: 0,2-1,69). I-гуруҳда, II-гуруҳга нисбатан G/A гетерозигот генотипининг аниқланиш кўрсаткичи юқорилиги аниқланди, аналогик кўрсаткичлар мос равишда 43,7 % ва 32,0 % юқори бўлди, мос равишда ( $\chi^2=1,7$ ;  $p=0,2$ ;  $RR=1,4$ ; 95% CI: 0,77-2,43;  $OR=1,6$ ; 95% CI: 0,77-3,5). I-гуруҳга нисбатан, II-гуруҳда мутант A/A гомозиготали генотипининг кўпроқ учраши аниқланди 46,5 % га 52,0 % нисбатни ташкил қилди ва мос равишда ( $\chi^2=0,4$ ;  $p=0,6$ ;  $RR=0,9$ ; 95% CI: 0,5-1,61;  $OR=0,8$ ; 95% CI: 0,39-1,65).

Шундай қилиб, II-10 генининг мутант A аллели преэклампсия ривожланишини башорат қилиш юқори прогностик самарадоликка эга. Асосий гуруҳда ва иккала кичик гуруҳларда генотипининг мутант шакли A/A преэклампсиянинг ривожланишида аҳамиятга эга деган хулоса келишимиз мумкин.

Диссертациянинг «Преэклампсиянинг эрта гемодинамик маркёрлари ва уларнинг роли, субклиник диагностикаси» деб номланган олтинчи бобида преэклампсия хавфи ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор

аёлларда марказий гемодинамика, регионар қон оқими параметрларининг ҳолати ўрганилди.

Ҳомиладорликнинг гестация муддати 10-14 ҳафталигида бачадон артерияларида ўтказилган доплероетрик текширув натижалари шуни кўрсатдики, преэклампсиянинг ривожланиш хавфи бўлган I<sup>A</sup>- гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда СДН кўрсаткичи, назорат гуруҳи ҳомиладор аёлларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда бачадон артерияларида қон айланишининг ўзига хос хусусиятлари борлиги аниқланди, ушбу кўрсаткичларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан РИ ва ПИ ни 6,2%, 9,0% га ошиши, статистик ишончли бўлди. Допплероетрик текшириш тадқиқотлари маълумотларига кўра, бачадон артериясида қон оқимининг бузилиши аниқланди, I<sup>A</sup> –гуруҳ ҳомиладор аёлларнинг текширилган контингентига қон оқимини яхшилашга қаратилган патогенетик даволаш бошланди, антиагрегантлар кунига 25 мгдан уч маҳал тавсия қилинди, чунки ацетилсалицил кислотаси ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида тавсия қилинмайди. Бошланган терапиянинг таъсирини билиш мақсадида биз 10-15 кун ўтганидан сўнг, қайта доплероетрия орқали баҳоладик. Натижада, ушбу тадқиқот усулини назорат қилиш жараёнида шунга амин бўлдикки, I<sup>A</sup>- гуруҳига жалб қилинган барча ҳомиладор аёлларда СДН ва РИ кўрсаткичлари яхшиланиш тенденциясига эга бўлди ва беморларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилмади.

Бачадон артерияларида преэклампсия кўшилиши билан, уларнинг спазми СДН ва РИ нинг мос равишда 3,1% ва 22,8% га ошиши қайд этилди. Тадқиқотимиз натижалари шуниси билан қизиқ бўлдики, бачадон артерияларида СДН ва РИ кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори ва статистик ишончли бўлди. Киндик артерияси ва ҳомиланинг ўрта мия артерияларининг СДН ва РИ кўрсаткичларига келсак, преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда қон оқимининг ёмонлашиши тенденцияси билан енгил спазм кузатилди. Ҳомиладорликнинг II ва III триместрларида онанинг марказий гемодинамикаси, бачадон-йўлдош-ҳомила қон оқимининг асосий қонуниятлари ўрганилди. Ҳомиладорликнинг ушбу муддатларида гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятлари, преэклампсиянинг кечишини ва унинг ривожланишини башорат қилиш имконини берди. Фақатгина марказий, регионар гемодинамиканинг кўрсаткичларини доимий мониторинг шаклида синчковлик билан назорат қилиш бизга беморларни бошқариш тактикасини ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ва келиб чиқиш патогенезини ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан интенсив терапия ўтказилди. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни даволаш тактикаси доимий назорат қилиш, вазиятни барқарорлаштириш, она ва ҳомиланинг гемодинамик параметрларини кузатиш бўйича маълумотларга асосланган ҳолда олиб борилди. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, илмий изланишларимиз ва уларнинг натижалари шуни тасдиқладикки, скрининг дастлабки кунларидан бошлаб, бачадон артерияларида қон оқимини ўрганиш

ПЭ ривожланишини башорат қилиш имконини берди ва ҳомиладорликни бошқаришнинг танланган тактикасига асосланиб, даволаш 1-А гуруҳида ўзининг ижобий натижаларини берди.Презкламписия ривожланиш хавфи бўлган ва ушбу тадқиқот гуруҳига тегишли бўлган беморларда ҳомиладорликнинг кейинги триместрларида ҳомиладорликнинг патологик кечиши аниқланмади ва унинг натижаси она ва ҳомила учун ижобий бўлди. 1<sup>А</sup>-гуруҳ ҳомиладор аёлларида туғруқ муаммосиз давом этди, табиий туғруқ йўллари орқали тугалланди, 50 нафар янги чақалоқ туғилди, туғилган чақалоқларнинг ўртача тана вазни 3400,0±300 гр.ни, Апгар шкаласи бўйича ўртача 7-8 баллни ташкил қилди. Туғруқдан кейинги асоратлар қайд этилмади, 4-5 кундан сўнг аёллар қониқарли ҳолатда уйга жавоб берилди. Кенг қамровли текширувдан ўтган ва даво муолажаларини олган 1<sup>Б</sup> - гуруҳидаги ҳомиладор аёлларнинг 10 нафарида презкламписиянинг клиник белгилари аниқланди, уларнинг частотаси 20 % га тўғри келади, тадқиқотимизга жалб қилинган 2-гуруҳ, яъни презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёллар гуруҳига ўтказилди. Қолган 40 нафар ҳомиладор аёллар ПЭ билан асоратланишни олдини олиш учун ўз вақтида чоралар кўрилди, бачадон артериялари, киндик артерияси ва ҳомила ўрта мия артериясидаги қон айланишини доплероетрик текшируви ўтказганимизда, СДН ва РИ ни ошиш тенденциясини кўрсатди. 40 нафар ҳомиладор аёл учинчи триместрга ўтиш арафасида, яъни 25-27 ҳафталикда онанинг марказий гемодинамикаси доплер кўрсаткичлари назорати остида қайта даволанди, бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши, Д- димер кўрсаткичлари ва плацентада қон айланиш яхшиланди. Ўтказилган терапия курсидан сўнг она ва ҳомила қон оқимининг яхшиланиши қайд этилди, терапия самарали бўлди, шунинг ҳисобига ҳомиладорлик муддати узайди. Барча беморларда ўз вақтида туғруқ содир бўлди, аммо 40 нафар бемордан 6 нафарида туғруқ жараёни мураккаб кечиши ортидан, кесар кесиш жарроҳлик йўли билан ҳал қилинди, бу эса фоизларда 15% ни ташкил этди. Ҳомиланинг қониқарсиз ҳолати билан 3 ҳолат, туғруқнинг қониқарсиз кечиши билан 1 ҳолат, обструктив туғруқ, яъни ҳомила бошининг асинклитик жойлашуви билан 2 ҳолатни ташкил қилди. Умумий қон йўқотиш ўртача 600 мл ни ташкил этди, 40 та янги туғилган чақалоқ Апгар шкаласи бўйича 6-8 балл билан туғилди, янги туғилган ҳомиланинг ўртача асфиксия ҳолатида тегишли бирламчи ёрдам кўрсатилди, 7 та янги туғилган чақалоқ 5 дақиқадан сўнг уларнинг ҳолати 8-9 балл билан баҳоланди. Янги туғилган чақалоқларнинг ўртача оғирлиги 3000,0±250 гр. ни ташкил этди. Барча туғруқларнинг туғруқдан кейинги даври асоратсиз кечди, туғруқдан кейин 6-7 кундан сўнг қониқарли ҳолатда уйга жавоб берилди ва у участка акушер-гинекологи назорати остида бўлиши лозимлиги огоҳлантирилди.

Бачадон артериясининг СДН ва РИ параметрлари, УПТҚ, ЗИ, ДАД кўрсаткичлари презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда, назорат гуруҳидаги нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги параметрлардаги ўзгаришларнинг жиддийлигини, тадқиқотимизга жалб қилинган презкламписия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда, яъни 28-34 ҳафталик муддатларда, биз уларнинг ривожланаётган

преэклампсиянинг башорат қилувчи ва унинг янада оғир формаларига ўтишининг маркёри сифатида кўриб чиқиш мумкин деб ҳисобладик. Биз барча ўрганилган кўрсаткичларнинг ёмонлашганини айтишимиз мумкин, УПТҚ нинг 12 нафар ҳомиладор аёлларда ошганлиги ва бачадон артериясининг СДН ва РИ аниқ кўтарилиш тенденциясини кўрсатди, бу кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончсиз равишда ўсди, ЗИ ва ДАБ 2-гуруҳнинг қолган 48 ҳомиладор аёлларида бир хил кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада ёмонлашди. Юқорида кўрсатилган ўзгаришлар, преэклампсия билан асоратланган 12 нафар ҳомиладор аёлларда онанинг манфаатини ўйлаган ҳолда эрта туғдириш масалаларини ҳал қилиш учун сабаб бўлди. ПЭ билан асоратланган 12 нафар ҳомиладор аёлнинг 7 нафари, гиперкинетик қон айланиши ва плацента етишмовчилиги белгилари билан табиий туғруқ йўллари орқали туғдирилди. Туғруқ йўлларининг туғишга тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, ҳомиладорлик муддати 34-35 ҳафта бўлганлиги сабабли, ҳомила РДС профилактикаси фонида туғруқ индукцияси бошланди. 48 нафар ҳомиладор аёлдан 19 (39,5%) туғруғи асоратланди, шундан 5 та ҳолатда туғруқ вақтида ҳомиланинг қониқарсиз ҳолати кузатилди, 3 тасида туғруқнинг қониқарсиз ҳолати ва 2 таси медикаментоз даво чоралари таъсир қилмаганлиги сабабли кесар кесиш амалиёти ўтказилди, операциядан кейинги давр антибактериал, антикоагулянт ва иммуностимулловчи терапиядан сўнг қониқарли кечди. Қолган 9 нафар туғувчи аёлнинг 5 нафари туғруқ кучларини медикаментоз стимуляция қилиб туғдирилди, 4 нафар туққан аёлда туғруқдан кейинги бирламчи қон кетиш кузатилди, консерватив йўл орқали даволанди.

Шундай қилиб, ҳомиладорликнинг II ва III триместрларида онанинг марказий гемодинамикаси, бачадон-йўлдош-ҳомила қон оқимининг асосий қонуниятлари ўрганилди. Ҳомиладорликнинг ушбу муддатларида гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятлари ПЭ нинг ривожланишини тахмин қилиш имконини беради. Марказий ва регионар гемодинамика кўрсаткичларини қатъий доимий назорат қилиш ҳомиладорликни муддатига етказиш ва туғдиришни ўз вақтида ҳал қилиш имконини берди.

## ХУЛОСА

**«Преэклампсияни эрта ташхислаш ва истиқболини белгилашда клиник лаборатор маркёрларнинг замонавий жиҳатлари»** мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Преэклампсия ривожланишининг энг муҳим прогностик хавф омиллари қуйидагилардир: ҳомиладор аёлнинг анамнезидаги гестацион артериал гипертензия, сурункали артериал гипертензия, сийдик йўллари инфекцияси, камқонлик, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари, аёлнинг анамнезида бепуштлик мавжудлиги, кўп ҳомилалик, экстракорпорал уруғлантириш дастури орқали ҳомиладорлик.

2. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида преэклампсияни башорат қилишда яллиғланиш олди цитокинлар IL-1 $\beta$  даражаси -  $6,15 \pm 0,5$  пг / мл га, II триместрда эса  $8,17 \pm 0,66$  пг / мл. га ортиши кузатилди, преэклампсиянинг

клиник кўринишлари намоён бўлган аёллар, бу кўрсаткич 19,78 пг / мл (спецификлик 88 %, сезувчанлик 94) тенг бўлди. I- триместрда TNF- $\alpha$  кўрсаткичлари даражаси  $6,55 \pm 0,55$  пг / мл, II триместрда  $13,58 \pm 0,75$  пг / мл, преэклампсия билан асоратланган аёлларда бу кўрсаткич 2-3 барабар ошиб, 23,3 пг / мл ни ташкил этди (спецификлик 80 %, сезувчанлик 96). Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида TNF- $\alpha$ нинг гиперэксекрецияси трофобласт инвазиясининг бузилишига ва преэклампсиянинг келиб чиқиш патогенезида муҳим ўринга эга.

3. IL-1 $\beta$  ген полиморфизмининг мутант C аллели преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган аёлларда 53,5% ( $\chi^2=5,1$ ;  $p > 0,025$ ; RR=1,3; OR=1,6; AUC=0,67) назорат гуруҳи аёллари билан солиштирганда юқори ва преэклампсия ривожланиш эҳтимолини сезиларли даражада оширди. Преэклампсия хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда мутант гомозигота C/C генотипининг тарқалиши 28,2% ( $\chi^2=3$ ;  $p > 0,1$ ; RR=1,6; OR=1,9; AUC=0,67), преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда мутант C аллели 48,0% ( $\chi^2=1,2$ ;  $p > 0,3$ ; RR=1,1; OR=1,3; AUC=0,63), мутант гомозигота C/C генотипи 22% ( $\chi^2=0,5$ ;  $p = 0,5$ ; RR=1,3% OR=1; AUC=0,63) тенг бўлиб. IL-1 $\beta$ генининг rs1143627 (T31C) полиморфизми мутант C аллели ва C/C генотипини ўзбек миллатига мансуб аёлларда преэклампсияга генетик мойилликнинг потенциал белгилари сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

4. Преэклампсия ривожланиши хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда СДН max 13,7% га, СДН min 15,5% га ошиши кузатилиб, РИ max 11,5% га, РИ min мос равишда 11,5% га ва ПИ 17,8% га тенг бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан РИ ва ПИ 6,2% ва 9,0% га ошди. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда ДХ, ЗИ, ХФ мос равишда 11,2, 10,7 и 6,2% камайиб, УПТҚ мос равишда 10,6% ошди. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида бачадон артерияларида (СДН, ИР, ПИ) қон оқимининг ошиши, она-йўлдош-ҳомила тизимида қон оқимининг бузилиши шаклланишини кўрсатади ва преэклампсия ривожланишининг башоратлаш омили сифатида қўлланилиши мумкин.

5. Интерлейкин-10 (IL-10) гениг полиморфизмининг гомозиготли мутант А/А генотипи преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда бироз юқорироқ бўлиб 46,5% ( $\chi^2=43,0$ ;  $p = 0,01$ ; RR=8,5; OR=15,1; AUC=0,72). Преэклампсия хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда мутант аллел А нинг тарқалиши 68,3 % ( $\chi^2=69,5$ ;  $p = 0,01$ ; RR=2,4; OR=6,8; AUC=0,72) ни ташкил этди. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда мутант А аллели мос равишда 68,0% ( $\chi^2=56,4$ ;  $p = 0,01$ ; RR=2,4; OR=6,7; AUC=0,72) тенг бўлиб устунлик қилди. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда мутант гомозиготли А / А генотипи 52% ( $\chi^2=46,5$ ;  $p = 0,01$ ; RR=9,5 % OR=18,8; AUC=0,72) тенг бўлди. IL-10 (rs1800896) полиморфизм генининг мутант А аллели ва А/А гомозигота генотипи преэклампсия ривожланиши учун хавф омили вამустақил генетик маркёр сифатида ҳомиладор аёлларда преэклампсия хавфини оширишини кўрсатди.

6. Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида преэклампсияни тахмин қилиш учун чегара қийматлари қуйидагилардир: D-димер  $>830$  нг/мл, сийдик

кислота >180 мкмоль/л, СРО >3 мг/л, sFlt-1 >1469 пг/мл, PLGF <42 нг/мл, sFlt-1/PlGF >18, PAPP-A >6,4 мкг/мл,  $\alpha$ -ФП >84 МЕ/л ва  $\beta$ -ХГЧ >115 мМЕ/л. Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ПЭ хавфини башоратлаш учун кўрсаткичлар: сийдик кислота, sFlt-1, sFlt-1/PlGF ва PAPP-Алардир, 2-триместрида - D-димер, сийдик кислота, СРО, sFlt-1, sFlt-1/PlGF, PAPP-A ва  $\alpha$ -ФП ларни танланди.

7. Биринчи триместрда преэклампсия ривожланишида энг муҳим лаборатор-инструментал маркёр ва предиктор омиллари IL-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  кўпайиши, IL-10 пасайиши, гиперфибриногенемия ва D-димер даражасининг прогрессив ўсиши, гиперурикемия, гипертриглицеридемия, гиперхолестеринемия атероген коэффицентларнинг, СРО даражасининг, PAPP-A и sFlt-1 ошиши. sFlt-1/PlGF нисбатини ҳомиладорликнинг 1-триместрида 28 дан юқори бўлса эрта ПЭ ривожланиш хавфи юқори, 2-триместрида 57-60дан юқори бўлса ПЭ ривожланиши мумкин, 80-100дан юқори бўлса преэклампсияни оғир даражаси ривожланишини башоратлаш мумкин. Бачадон артериясида СДН ва ИР нинг ортиши, юрак қисқаришлар частотасининг ошиши ҳисобига, умумий периферик томир қаршилигининг ошиши преэклампсия ривожланишини эрта башоратловчи маркёр эканлиги тасдиқланди.

8. Биринчи триместрда преэклампсия ривожланиш хавф бўлган ҳомиладор аёлларда D-димернинг ошиши 1,16 марта, иккинчи триместрда 1,83 (P<0,001) марта, назорат гуруҳига нисбатан эса 2,13 маротаба юқори (P<0,001) қийматларга эга бўлди, сийдик кислотаси миқдорининг ортиши 1,44 (P<0,01) ва 1,8 (P<0,001), ПЭ билан асоратланган ҳомиладор аёлларда 2,42 (P<0,001) га ошди. Ҳомиладорликнинг 1-триместрида ПЭ хавфи бўлган аёлларда 25(ОН)D даражаси 12%, 2-триместрда 38%, преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда 68% етишмовчилик кузатилди. PlGF/sFlt-1 нисбати меъерий кўрсаткичлардан 5 маротаба ошиши преэклампсия ривожланиш хавфини кўрсатди ва ҳомиладорлик 1- триместрда PAPP-A-88%, 2 триместрда - 96% ва ПЭ билан асоратланган ҳомиладор аёлларда - 100% иборат бўлиб,  $\alpha$ -ФП ва  $\beta$ -ХГЧ спецификлик 86% ва 70% ташкил этди. Келтирилган кўрсаткичларнинг ошиши преэклампсия ривожланиш хавфини кўрсатди ва ўз вақтида профилактик терапия ўтказишни, ҳомиладорликни олиб боришда етарли усулларни қўллашни талаб қилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АХМЕДОВ ФАРХОД КАХРАМОНОВИЧ**

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫХ  
МАРКЕРОВ В ПРОГНОЗИРОВАНИИ И РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ  
ПРЕЭКЛАМПСИИ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2023**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4. DSc/Tib475.**

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) на Информационно-образовательном портале “Ziynet” по адресу: [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научные консультанты:**

**Негматуллаева Мастура Нуруллаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Иноятов Амрилло Шодиевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Нажмутдинова Дилбар Камаридиновна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Мусахаджаева Диля Абдуллаевна**  
доктор биологических наук, профессор

**Старцева Надежда Михайловна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Российский Национальный Исследовательский  
Медицинский Университет им. Н.И. Пирогова  
(Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Разового научного совета на основании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (адрес: 200118, Бухара, ул. Навоий-Шох, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 200118, Бухара, проспект Навои, дом1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года).

**Д.И. Туксанова**

Заместитель председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Председатель разового научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Рост акушерских заболеваний в мире становится проблемой не только медицинского, но и социального значения, в том числе осложнения при преэклампсии считаются одними из самыми сложными и тяжелыми в современной акушерской практике, а обусловленная ими материнская смертность является одним из важных факторов современного акушерства, который сегодня необходимо изучать. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...распространенность преэклампсии в США составляет до 24,8%, в странах Европы - до 29,4%, в разных регионах России от 5 до 30%, в Узбекистане составляет- 15–25%...»<sup>1</sup>. По данным Национального Комитета Статистики Республики Узбекистан, смертность матерей от преэклампсии составляет 22,8%<sup>2</sup>. Эффективные, патогенетически обоснованные методы прогнозирования, диагностики и лечения, в частности, «...определение особенностей гемодинамических нарушений на фоне изменения параметров иммуногенетических, биохимических и биомаркеров системы гемостаза и оценка их значимости в ранней диагностике преэклампсии ...» были отмечены в работах ряда ученых<sup>3</sup>. В связи с этим в области практической медицины реализуются комплексные меры по эффективной организации ранней диагностики и лечения осложнений преэклампсии в глобальном масштабе.

Во всем мире проводится ряд научных исследований с целью повышения эффективности мероприятий, направленных на снижение материнской смертности, изучению роли генетических, иммунологических, биохимических, центральных гемодинамических маркеров в диагностике преэклампсии. В частности, определить факторы риска развития преэклампсии у женщин репродуктивного возраста, роль молекулярно-генетических маркеров в развитии эндотелиальной дисфункции, гемодинамических нарушений в плаценте и определить их значение в диагностике преэклампсии до появления клинических симптомов; определение распространенности полиморфизма генов в развитии преэклампсии. Особое значение имеет проведение научных исследований, направленных на снижение инвалидности и смертности беременных, вследствие преэклампсии, улучшение качества жизни, внедрение методики профилактики преэклампсии, разработку комплекса мероприятий.

В нашей республике проведен ряд реформ и научных исследований, направленных на организацию системы здравоохранения на основе передовых мировых стандартов, оказание качественных медицинских услуг населению, а также раннюю диагностику акушерско-гинекологических заболеваний, возникающих среди населения, прогнозирование их течение и

---

<sup>1</sup> Доклад Всемирной организации здравоохранения за 2019 г..

<sup>2</sup> Национальный комитет по конфиденциальным исследованиям материнской смертности, 2017 г.

<sup>3</sup> Cerdeira A.S., O'Sullivan J., Ohuma E.O. et al. Randomized interventional study on prediction of preeclampsia / eclampsia in women with suspected preeclampsia: INSPIRE. Hypertension. 2019; 74:P. 983–990.

выявление факторов риска. В связи с этим, в рамках реализации мероприятий по реформированию системы здравоохранения в республике уделяется особое внимание на «...совершенствование системы охраны материнства и детства на основе развития медицинской генетики, экстренной и специализированной медицинской помощи женщинам и детям, внедрения современных программ скрининга, создания в регионах многопрофильных медицинских комплексов и информационных систем «Мать и дитя...»<sup>4</sup>. Для повышения эффективности медико-социальной помощи беременным, осложненным преэклампсией, при реализации поставленных задач, важно снизить уровень инвалидности, улучшить качество жизни женщин, усовершенствовать методы использования современных технологий при оказании качественных медицинских услуг.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП №5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 г., в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №216 «Об усилении охраны материнства и детства в 2022–2026 годах» от 25 апреля 2022 г., ПЗ № 4891 «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медико-профилактической работы» от 12 ноября 2020 г., а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации.**<sup>5</sup> Научные исследования, направленные на обоснование современных аспектов иммуногенетических, биохимических, центральной гемодинамики и регионарного кровотока в диагностике беременных с риском преэклампсии и осложненной преэклампсией, проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, в том числе в American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG); Nephrology Division, University of Brescia, (Италия); Odense University Hospital, University of Southern Denmark, Odense (Дания); Mercy Hospital for Women, University of Melbourne, Heidelberg Victoria (Австралия); University of Oxford (Англия); Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия); King Saud University (Саудовская Аравия); Attikon University (Греция); University of Debrecen (Венгрия); University Aichi, University Saitama (Япония); Universitas Sumatera

---

<sup>4</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

<sup>5</sup>Обзор международных исследований по теме диссертации: [www.acog.org](http://www.acog.org)., [www.nih.gov](http://www.nih.gov)., [www.cusbrescia.it](http://www.cusbrescia.it)., [www.sdu.dk](http://www.sdu.dk)., [ki.se/en](http://ki.se/en)., [unimelb.edu.au](http://unimelb.edu.au)., [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu)., [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br)., [ksu.edu.sa/en/](http://ksu.edu.sa/en/)., [www.anouk.org](http://www.anouk.org)., [unideb.hu/en](http://unideb.hu/en)., [www.aichi-u.ac.jp](http://www.aichi-u.ac.jp)., [www.usu.ac.id](http://www.usu.ac.id)., [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in)., [ncagp.ru](http://ncagp.ru)., [zkmu.kz](http://zkmu.kz)., [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by)., [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) на основании других источников.

